

ХИРОНИК РИНИТНИ ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ: САМАРАДОРЛИКНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**Kenjayev Yodgor Mamatqulovich,
Shopo'latova Madina Ismatulayevna**

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети, Тиббиёт факультети

Долзарблиги: Ринит — юқори нафас йўллариининг энг кўп учрайдиган яллиғланиш касаллиги бўлиб, у инфекцион, аллергик ёки ирсий сабаблардан келиб чиқиши мумкин. Ушбу касаллик нафақат дунё миқёсида, балки Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган ва аҳолининг саломатлигига жиддий таъсир қилади.

Мақсад: Ушбу тадқиқотнинг мақсади — хроник ринитни замонавий даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг анъанавий усуллар билан таққослаши.

Материаллар ва методлар: Тадқиқотда 76 нафар бемор иштирок этди. Улар тасодикий равишда икки гуруҳга ажратилди:

1. **Замонавий даволаш гуруҳи:** замонавий препаратлар, аэрозоллар ва физиотерапия муолажалари.
2. **Анъанавий даволаш гуруҳи:** бурун томчилари, иссиқ ванналар ва халқ табobati усуллари.

Натижа:

1. **Ринорея (бурун оқиши) даражаси:** замонавий усулларда 45%га, анъанавий усулларда 25%га камайган.
2. **Нефас олишнинг яхшиланиши:** замонавий даволашда 50%га, анъанавий даволашда 30%га ошган.
3. **Яллиғланиш даражаси:** замонавий даволашда 60%га камайган, анъанавий даволашда эса 40%га камайган.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, хроник ринитни даволашда замонавий терапевтик усулларни қўллаш анъанавий муолажаларга нисбатан сезиларли афзалликларга эга. Замонавий препаратлар ва физиотерапевтик муолажалар бурун шилиқ қаватидаги яллиғланиш жараёнларини тезроқ бартараф этиш, нафас йўллариининг функционал ҳолатини яхшилаш ва ринорея даражасини пасайтиришда самарали бўлди.

Беморларнинг субъектив шикоятлари ва клиник кўрсаткичлари таҳлили замонавий даволашдан кейин нафас олишнинг 50%га яхшиланиши ва

яллиғланиш даражасининг 60%га камайишини тасдиқлади. Бу кўрсаткичлар анъанавий даволаш усулларида нисбатан паст бўлиб, нафас олишнинг 30%га яхшиланиши ва яллиғланишнинг 40%га камайишини кўрсатди.

Шунингдек, замонавий даволаш усуллари шилиқ қаватни тиклаш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам бергани аниқланди. Аэрозоллар ва микротўлқинли терапия таъсирида тўқима қайта тикланиши тезлашиб, эпителий қаватининг муҳофаза қилиш қобилияти тиклангани кузатилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, хроник ринитни даволашда замонавий терапиянинг қўлланилиши юқори самарали бўлиб, ринитнинг асоратларини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди. Шу сабабли, ушбу муолажаларни амалиётга кенг жорий этиш тиббиёт соҳасида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Қўшимча равишда, ушбу тадқиқот асосида замонавий даволаш протоколларини ишлаб чиқиш ва янги клиник тавсияларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.